



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



WWW.XS.UZ



E-mail: Info@xs.uz



2018 йил 8 май, № 92 (7050)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни
телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ БИРЛАШГАН АРАБ АМИРЛИКЛАРИ БОШ ВАЗИРИ ЎРИНБОСАРИ, ПРЕЗИДЕНТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА ВАЗИРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 7 май куни мамлакатимизга
ташриф буюрган Бирлашган Араб Амирликлари Бош вазири ўринбосари,
Президент ишлари бўйича вазир шайх Мансур бин Зоид Ол Нахаёenni қабул қилди.



Давлатимиз раҳбари меҳмонни самимий қутлар экан, Ўзбекистон Республикаси ва Бирлашган Араб Амирликлари ўртасида турли даражадаги алоқалар фаоллашгани, барча соҳалардаги икки томонлама муносабатлар сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилаётганини мамнуният билан қайд этди.

Учрашувда икки томонлама амалий ҳамкорликнинг асосий йўналишлари, жумладан, Амирликлар инвесторларини мамлакатимиздаги истиқболли лойиҳаларни амалга оширишга кенг жалб этиш, уларнинг фаолиятини тизимли равишда ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Бу борада нефть-газ, кимё, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, логистика, туризм, шаҳарсозлик ва бошқа қатор соҳаларда ўзаро манфаатли лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан келишиб олинди.

Ўз навбатида, шайх Мансур бин Зоид Ол Нахаён давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевга

самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, Бирлашган Араб Амирликлари Президенти шайх Халифа бин Зоид Ол Нахаёнинг юксак ҳурмати ва эзгу тилакларини etkazди.

Учрашувда меҳмон жорий йил март ойида Афғонистон бўйича халқаро конференцияда Ўзбекистон илгари сурган ташаббуслар ҳамда Ислоҳ ҳамкорлик ташкилоти доирасида билдирган таклифларни Амирликлар ҳукумати тўлиқ қўллаб-қувватлашни таъкидлади.

Шунингдек, шайх Мансур бин Зоид Ол Нахаён Бирлашган Араб Амирликлари мамлакатларимиз ўртасидаги ҳар томонлама ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш, жумладан, аниқ истиқболли инвестицион лойиҳаларни ҳаётга тўла татбиқ этишга тайёр эканини қайд этди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти
Матбуот хизмати сурати.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И ФАОЛ ТАДБИРКОРЛИК ВА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН ШАРТ-ШАРОИТЛАРНИ ЯРАТИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Мамлакатда ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини ошириш ҳамда аҳоли ҳаёт даражаси ва фаровонлигининг барқарор ўсишига имкон берувчи фаол тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга, инновацион ғоя ва технологияларни жорий этишга, фан ва инновацион фаолият жадал ривожланиши учун зарур шарт-шароитларни яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шу билан бирга, ўтказилган таҳлил натижалари мамлакатда фаол тадбиркорлик ва инновацион фаолиятни ривожлантириш учун шарт-шароитларни янада яхшилашга тўсқинлик қилувчи, жумладан, қуйидаги қатор тизимли муаммолар мавжудлигидан далолат беради:

биринчидан, ҳудудларнинг мавжуд ресурс базаси ва салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда илғор ва замонавий инновацион ишланмалар, технологиялар лойиҳалар-стартлаплар ва инновациялар бозорини тизимли таҳлил қилиш йўлга қўйилмаган;

иккинчидан, инновацион лойиҳалар-стартлапларга инвестицияларни жалб этиш, ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш соҳасига инновацияларни фаол жорий қилувчи иқтидорли тадбиркорлар фаолиятига кўмаклашиш ва мувофиқлаштириш ишлари лозим даражада амалга оширилмапти;

учинчидан, инновацион ривожланиш соҳасида, айниқса, жойларда ишбилармонлик муҳити паст даражада, шунингдек, инновацион ва муваффақиятли технологик лойиҳалар-стартлапларни ишлаб чиқиш ва илгари суриш бўйича зарур кўникмаларга эга тадбиркорларнинг етишмовчилиги сақланиб қолмоқда;

тўртинчидан, инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларнинг маълумотлар базаси мавжуд эмас, янги ресурсларни яратиш ва тажрибани бизнес-тузилмаларга ўтказиш амалиёти ривожланмасдан қолмоқда;

бешинчидан, инновацион ишланмалар бозорини қўллаб-қувватлаш механизмлари суст даражада ишлаб чиқилган, инновацион ғоялардан самарали фойдаланишни мувофиқлаштириш йўлга қўйилмаган, инновацион ишланмаларнинг сифати эса бозор талабларига жавоб бермайди;

олтинчидан, инновацион ишланмалар, технологик лойиҳалар-стартлаплар соҳасига техника олий таълим муассасалари битирувчилари ва иқтидорли ёшларни жалб этишга, шунингдек, бизнес-инкубаторларни яратишга лозим даражада эътибор қаратилмапти;

еттинчидан, аҳоли ўртасида инновацион тадбиркорликни оммалаштириш ишлари самарали олиб борилмапти, инновацион махсулот ва хизматларни ишлаб чиқишга ва илгари суришга жалб қилишда техник ва психологик тўсиқлар сақланиб қолмоқда.

(Давоми 2-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИ ВА СОҲАЛАРИГА ИННОВАЦИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Қайд этилсинки, мамлакатда қисқа муддатда инновацияга йўналтирилган иқтисодийётни шакллантиришга ва инновацияларни кенг жорий этиш учун шарт-шароитлар яратишга қаратилган кенг қўламли ишлар амалга оширилди.

Республикани инновацион ва илмий-техник ривожлантириш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширувчи орган ташкил этилганлиги, унинг ҳузурида Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси шакллантирилганлиги мазкур йўналишдаги муҳим босқичлардан бири бўлди.

Шу билан бирга, илмий тадқиқотлар билан ишлаб чиқариш тармоқлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг самарали механизмлари йўлга қўйишга, алоқаларни мустаҳкамлашга тўсиқ бўлаётган бир қатор муаммолар сақланиб қолмоқда, уларга, авваламбор:

биринчидан, олий таълим муассасалари илмий ишлари ва илмий-тадқиқот ташкилотлари тадқиқотларининг натижаларини тижоратлаштириш

кўрсаткичларининг пастлиги ҳамда ҳизматсизлиги;

иккинчидан, инновацион жараёнларни рағбатлантириш, ҳудудлар ва тармоқлар даражасида инновацион ривожланиш ва инновацион фаоллик комплекс дастурларини амалга ошириш, инновацион фаол тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш механизмлари мавжуд эмаслиги;

учинчидан, хусусий сектор вакилларининг инновацион фаолиятга, жумладан, уларнинг манфаатдорлиги пастлиги сабабли етарли даражада жалб қилинмаслиги;

тўртинчидан, давлат илмий-техник дастурлари доирасида грантларни тақсимлаш ва улардан оқилона фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича таъсирчан чора-тадбирларнинг мавжуд эмаслиги;

бешинчидан, илмий тадқиқотлар ва инновацияларни жорий қилиш соҳасида халқаро ҳамкорлик ва инвестициялар жалб этиш даражасининг қониқарсизлиги каби омиллар сабаб бўлмоқда.

Инновация фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш механизмларини тубдан такомиллаштириш, иқтисодийёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни янада самарали жорий этиш учун шарт-шароитларни яратиш мақсадига:

1. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар академиясининг:

олий таълим муассасаларида илмий ишлар бўйича проректор лавозими ўрнига илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор лавозимини жорий этиш;

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси илмий-тадқиқот муассасаларининг илм-фан бўйича директор ўринбосарларини бир вақтда тегишли йўналишдаги олий таълим муассасаларининг илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори лавозимларига тайинлаш;

(Давоми 2-бетда).



Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади

Конун лойиҳаларида тадбиркорлар манфаатлари акс этмоқда

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётига дахлдор бир қатор қонун лойиҳалари муҳокама қилинди.

Дастлаб депутатлар Президентимизнинг ҳар томонлама прагматик ҳамда оқилона ташқи сиёсати натижасида Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни ва роли тобора юксалиб бораётганини алоҳида қайд этдилар. Хусусан, Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғоннинг

қисқа муддат ичида юрти-мизга иккинчи маротаба ташрифи ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги нутқи барча соҳа қатори икки мамлакат ўртасидаги парламентлараро муносабатларни мустаҳкамлашга хизмат қилиши эътироф этилди.

Йиғилишда депутатлар,

шунингдек, “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар.

Таъкидланганидек, мазкур қонун лойиҳаси давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 10 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Хисоб палатаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида мувофиқ ишлаб чиқилган.

(Давоми 3-бетда).



Хориждаги юртошларимиз Ўзбекистондаги ислохотларга ўз ҳиссасини қўшади

Яқинда хорижда ўқийётган ва ишлаётган, турли соҳаларда муваффақиятга эришган бир гуруҳ ватандошларимиз томонидан “Буюк келажақ” халқаро нодавлат нотижорат ташкилотига асос солинган эди. Қайд этиш керакки, ушбу ташаббус Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил сентябрь ойида Нью-Йорк шаҳрида Америка Қўшма Штатларида истиқомат қилаётган бир гуруҳ ватандошларимиз билан учрашув чоғида билдирган таклифига ўзига хос жавоб бўлди.

ТАҚДИМОТ

Давлатимиз раҳбари ўшанда хориждаги ватандошларимизни Ўзбекистонда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотларда қатнашишга, ўз билим ҳамда тажрибалари билан мамлакатимиз тараққиётига муно-

сиб ҳисса қўшишга чорлаган эди.

Жорий йил бошидан “Буюк келажақ” экспертлар кенгашини тузиш ташаббуси рўйбга киришди. Янги тузилма фаолиятида билими, тажрибаси ва салоҳияти би-

лан иштирок этмоқчи бўлган юртошларимизни дунёнинг барча нуктасида — АҚШдан Японияга, Россиядан Канадага қадар бўлган давлатларда учратиш мумкин. Иқтисодийёт, ҳуқуқ, молия, таълим, тиббиёт сингари кўплаб соҳалардаги 100 нафардан ортқ етакчи мутахассислар, экспертлар бир мақсад йўлида, яъни Ҳаракатлар стратегияси доирасида амалга оширилаётган ислохотларнинг давоми сифатида Ўзбекистонни 2035 йлга қадар тараққий топтириш ғояси атрофида бирлашди, десак, муболага бўлмайди.

(Давоми 3-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

ФАОЛ ТАДБИРКОРЛИК ВА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН ШАРТ-ШАРОИТЛАРНИ ЯРАТИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

 (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мавжуд муаммоларни бартараф этиш ҳамда фаол тадбиркорлиқни ривожлантириш, инновациялар бозорининг шаклланиши ва фаолият кўрсатиши, шунингдек, маҳаллий ва хорижий инновацион ишланмаларни иқтисодиётнинг реал секторига илгари суриш учун қулай ҳуқуқий ва ташкилий шарт-шароитларни яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг давлат-хусусий шериклик шартларида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида инновацион лойиҳалар-стартлапларни ишлаб чиқиш, синовдан ўтказиш ва ўзлаштириш, инновацион фаолият натижаларини трансфер қилиш ва тижоратлаштиришни амалга оширувчи **Инновацион гоғялар, ишланмалар ва технологиялар марказларини** (кейинги ўринларда марказлар деб юритилади) ташкил этиш тўғрисидаги тақлифи маъқуллансин.

Белгилансинки, марказлар ўз фаолиятини тижорат асосида амалга оширади ва ташкил этилган пайдан бошлаб беш йил муддатга барча турдаги солиқларни тўлашдан озод этилади.

2. Қўйилдиғилар марказларнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

ишлаб чиқариш ва хизматларнинг янги ва замонавий турларини яратиш мақсадида ҳудудларнинг салоҳияти ва ресурс базаларини чуқур тадқиқ қилиш;

инновацион гоғялар, ишланмалар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш мақсадида инновацион менежментни ривожлантириш; янги ва талаб юқори бўлган маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқиш бўйича инновацион лойиҳалар-стартлапларни, жумладан, хорижда қўлланиладиган илғор услуб ва технологиялардан фойдаланган ҳолда, ишлаб чиқиш, синовдан ўтказиш ва ўзлаштириш;

инновациялар бозорининг маркетинг тадқиқотларини ўтказиш, ишлаб чиқарилган инновацион маҳсулот (иш, хизмат)лар бозорларини шакллантириш, уларнинг бозор талабларига йўналтирилиши ва мослашишни учун тавсиялар ишлаб чиқиш; инвесторлар ва инновацион маҳсулот (иш, хизмат)лар истеъмолчиларини қидириб топиш ишларини, жумладан, инновацион инфратузилма субъектлари ўртасида кооперацияни ривожлантириш орқали ташкил этиш;

инновацион фаолиятни амалга ошириш масалалари бўйича манфаатдор шахсларнинг кенг доирасига маслаҳат бериш, аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида инновацион гоғялар, ишланмалар ва технологияларни оммалаштиришга қаратилган реклама ва кўргазма тадбирларини ташкил этиш;

қўшма инновацион лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида ишлаб чиқариш корхоналари, илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари, стартлаплар ҳамда саноат ва қишлоқ ҳўжалигининг устувор тармоқларидаги бошқа шериклар билан инновацион ҳамкорлиқни ривожлантириш;

инновацион фаолиятнинг ишлаб чиқилган ва муваффақиятли

синовдан ўтказилган натижаларини илгари суриш ва тижоратлаштириш.

3. Марказларни ташкил этишда қўйилдиғилар давлат-хусусий шериклиқнинг асосий шартлари этиб белгилансин:

марказларни ташкил этиш ва уларга тегишли инфратузилмани (транспорт боғламалари, автостанциялар, автобекатлар мавжудлиги ва ҳ.к.) қуриш учун зарур ер участкалари, бўш бинолар хусусий шерикларга ҳақ ундирилмасдан, истисно тариқасида тўғридан-тўғри музокаралар асосида ақратилади;

марказ биноларини қуриш учун ер участкаларини танлаш белгиланган тартибда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан, Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги билан келишилган ҳолда амалга оширилади;

давлат ва хусусий шериклар тенглик асосида марказларнинг таъсисчилари сифатида иштирок этади;

давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги келишув марказлар давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб йигирма йил муддатгача тўзилади;

марказлар фаолиятининг йўналиши давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги келишув амал қилишининг бутун муддати давомида сакланиб қолади;

марказларнинг интеллектуал мулк объектларини давлат рўйхатидан ўтказишга қилинган харажатларини қўллаш Инновацион ривожланиш ва новаторлик гоғяларини қўллаб-қувватлаш жағмармаси маблаглари ҳисобидан амалга оширилади;

давлат шериги иқтисодиёт тармоқларига инновацияларни жорий этишни рағбатлантириш, жумладан, ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни давлат харидлари доирасида тижоратлаштириш имкониятларини кенгайтириш бўйича шарт-шароитларни яратишга қўмаклашиш мажбуриятини олади;

давлат ва хусусий шерикларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, шунингдек, давлат-хусусий шериклиқнинг бошқа шартлари давлат ва хусусий шериклар ўртасида Инновацион ривожланиш ва новаторлик гоғяларини қўллаб-қувватлаш жағмармаси Қузатув кенгашининг розилиги билан тўзиладиган келишувларда белгиланади.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион гоғялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида”ги ПФ–5308-сонли Фармони билан қўйилдиғилар 2023 йил 1 январга қадар муддатга ягона ижтимоий тўловдан ташқари, барча турдаги солиқ ва мажбурий тўловлар тўлашдан озод қилинганлиги маълумот учун қабул қилинсин:

юқори технологияли тадбиркорлик лойиҳалар-стартлаплари биргаликда молиялаштириш учун ташкил қилинадиган венчур фондлар;

венчур фондлардан биргаликда молиялаштириладиган юқори технологияли лойиҳалар-стартлаплар;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИ ВА СОҲАЛАРИГА ИННОВАЦИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

 (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

олий таълим муассасалари тузилмасида инновацион жағғармалар ва илмий-инновацион ишланмаларни тижоратлаштириш бўйича бўлинмалар ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблагларидан молиялаштириладиган қўшимча 10 та штат бирлигини ажратган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги тузилмасида Фан ва илмий-техник тадқиқотларни ривожлантириш бошқармасини ташкил этиш тўғрисидаги тақлифларига розилик берилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

олий таълим муассасаларининг илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректорларини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари илмий-тадқиқот муассасаларининг илм-фан бўйича директор ўринбосарларини (кейинги ўринларда илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректорлар ҳамда илм-фан бўйича директор ўринбосарлари деб юритилади) лавозимга тайинлаш Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги билан келишилган ҳолда амалга оширилади;

илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректорлар ҳамда илм-фан бўйича директор ўринбосарлари инновация фаолиятига оид масалалар, илмий-инновацион ишланмаларни жорий этиш ва тижоратлаштириш натижалари бўйича бевосита Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигига ҳисобдорлар;

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги йилгига камида икки марта Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректорлар ҳамда илм-фан бўйича директор ўринбосарларининг илмий-инновацион фаолиятини баҳолаш юзасидан ахборот киритади;

Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазирининг ўринбосари вазифасини бажарувчи А. Ю. Умаров илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректорлар ҳамда илм-фан бўйича директор ўринбосарларининг фаолиятини самарали мувофиқлаштириш бўйича шахсан масъул ҳисобланади;

олий таълим муассасаларининг инновацион жағғармаларини (кейинги ўринларда — инновацион жағғармалар) шакллантириш инновацион маҳсулотларни тижоратлаштиришдан олинадиган даромадлар, олий таълим муассасаларининг иш ҳақи, стипендия тўлаш, шунингдек, бошқа жорий харажатлари қўплангандан кейин тўлов-контракт маблагларининг 5 фоиздан кам бўлмаган миқдорини йўналтириш ҳисобига амалга оширилади.

Инновацион жағғармаларнинг маблаглари:

илмий тадқиқотлар ва инновацион ишланмаларни рағбатлантиришга;

илмий-лаборатория ускуналари, сарфлаш материаллари ва бутловчи буюмлар сотиб олишга;

илмий тадқиқот инфратузилмасини шакллантириш ва янгилашга, илмий ҳодимларни моддий рағбатлантиришига;

инновация фаолияти билан боғлиқ бошқа харажатларни амалга оширишга йўналтирилиши белгилаб қўйилсин.

3. Қўйилдиғилар олий таълим муассасаларининг илмий-инновацион ишланмаларни тижоратлаштириш бўйича бўлинмаларининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб ҳисоблансин:

бозорни тизимли равишда таҳлил қилиш ва инновацион маҳсулот (иш, хизмат)ларга бўлган талабни ўрганиш, ўзини қўллаш муддатини, рентабеллиги ва инновацион маҳсулотларни тижоратлаштириш билан боғлиқ хатарларни баҳолаш;

юқори тижорат салоҳиятига эга ва амалга оширишга тайёр бўлган, ўзлаштириш учун истиқболли лойиҳаларни танлаб олиш; инновацион лойиҳаларни амалга ошириш учун инвесторлар, шериклар ва бошқа манфаатдор шахсларни жалб қилиш; янги технологияларни жорий қилиш ва инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқариш мақсадида саноат корхоналари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш.

Белгилансинки, олий таълим муассасаларининг илмий-инновацион ишланмаларни тижоратлаштириш бўйича бўлинмалари фаолияти инновацион жағғармалар маблаглари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади.

4. Давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари раҳбарлари:

бир ой муддатда раҳбар ўринбосарларидан бирини инновацион ривожланиш масалалари бўйича масъул этиб белгиласин;

ҳар йил 1 октябрга қадар Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги билан келишган ҳолда тадбирларни молиялаштиришнинг аниқ миқдор ва манбаларини белгилаб, келгуси йил учун тегишли тармоқ ва соҳаларни инновацион ривожлантиришнинг “йўл хариталари” ишлаб чиқилишини, шунингдек, уларнинг самарали амалга оширилишини таъминласин.

5. Қўйилдиғилар:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ–5264-сонли Фармонига мувофиқ Инновацион ривожланиш ва новаторлик гоғяларни қўллаб-қувватлаш жағмармаси ташкил этилганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 ноябрдаги ПК–3365-сонли қарори билан тасдиқланган 2017 — 2021 йилларда илмий-тадқиқот муассасаларининг инфратузилмасини мустаҳкамлаш ва инновацион фаолиятини ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини молиялаштириш манбалари этиб, тегишли қисмларда, бошқа манбалар билан бир қаторда, Инновацион ривожланиш ва новаторлик гоғяларини қўллаб-қувватлаш жағмармаси маблаглари белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

илмий-тадқиқот муассасалари, инновацион марказлар, лойиҳа-конструкторлик бюролари ўзларининг янги технологияларини тадбиркорларга сотишдан (фойдаланишга беришдан) олинган даромадлар бўйича;

янги технологияларни маҳаллий тадбиркорликка трансфер қилувчи ташкилотлар бу фаолиятдан олинган даромадлари бўйича.

Давлат ва ҳўжалик бошқарув органлари раҳбарларига уларнинг тармоқ ихтисосликларини ҳисобга олган ҳолда маблаглари марказларнинг тадқиқотлари ва ишланмаларини молиялаштиришга йўналтириладиган, жумладан, уларнинг устав капиталига кириш орқали корпоратив венчур фондларни ташкил қилиш тавсия этилсин.

5. Белгилаб қўйилсинки:

марказлар учун Инновацион ривожланиш ва новаторлик гоғяларини қўллаб-қувватлаш жағғармасининг инновацион лойиҳаларни молиялаштириш умумий ҳажмининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги маблагларини захира қилиш назарда тутилади;

марказларни давлат-хусусий шериклик шартларида ташкил этишда давлат шериги сифатида Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, бошқа давлат органлари, корхоналар ва ташкилотлар иштирок этиши мумкин;

хусусий лойиҳаларни танлаб олишнинг асосий мезонлари давлат шериги томонидан белгиланади;

келишув хусусий шериклар ташаббуси билан бекор қилинганда уларнинг марказларни ташкил қилишдаги харажатлари қопланмайди, қурилиши тугалланмаган объект давлат мулкига ўтказилади ва хусусий шерикларни қидириб топиш мазкур қарорга мувофиқ қайтадан ўтказилади;

марказларнинг қурилатган биноларига барча зарурий ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқларини, коммунал инфратузилмаларни олиб келиш электр энергияси қисми бўйича — “Ўзбекэнерго” АЖ ҳисобидан, газ таъминоти қисми бўйича — “Ўзтрансгаз” АЖ ҳисобидан, телекоммуникация тармоқлари қисми бўйича — “Ўзбектелеком” АҚ ҳисобидан, автомобиль йўллари қуриш қисми бўйича — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика йўл жағғармаси ҳисобидан, сув таъминоти, канализация ва автостанциялари қуриш қисми бўйича — Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари маблаглари ҳисобидан марказларни ташкил этиш бўйича давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги келишувда белгиланган муддатларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади;

марказларнинг бинолари фойдаланишга қабул қилинганидан кейин маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қулай транспорт йўналишлари ва йўловчи транспортнинг бир маромада ишлланиши ташкил этади.

6. Тижорат банкларига марказлар томонидан инновацион гоғялар, ишланмалар ва технологияларни амалга оширишда, жумладан, марказларга ва бошқа тадбиркорлик субъектларига имтиёзли кредитларни ажратиш орқали кенг иштирок этиш тавсия қилинсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ва Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси:

икки ой муддатда потенциал инвесторларни қидириб топиш ва улар билан мазкур қарорда белгиланган давлат-хусусий шериклик шартларида марказларни ташкил этиш тўғрисидаги келишувларни тузишни;

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ва Ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда марказларни ташкил этишда қатнашишга жалб қилиш, жумладан, грант ва ҳўмийлик маблагларини ажратиш мақсадида халқаро ва хорижий ташкилотлар, молия институтлари вакиллари билан музокаралар ўтказишни;

бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузурида марказларга ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни, жумладан, давлат харидлари доирасида тижоратлаштириш имкониятларини кенгайтиришда ҳар томонлама қўмаклашадиган Марказлар ишланмаларини тижоратлаштириш ягона марказини ташкил этиш тўғрисида тақлифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритишни;

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда мазкур қарорнинг мазмун-моҳиятини кенг ёритиш ҳамда аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига етказишни таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигига мазкур қарор шартларини қўлаган ҳолда туман (шаҳар)ларда марказларни ташкил қилишга рўхсат этилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари уч ой муддатда давлат ва хусусий шерикларнинг мурожаатлари бўйича марказларни ташкил қилиш учун ер участкалари ёки бўш биноларни, жумладан, ўрта махсус, касб-ҳўнар таълим муассасалари оптималлаштирилиши ҳисобига бўшайдиган биноларни ажратишни таъминласин ёҳуд уларни намунали лойиҳалар бўйича қуриладиган давлат хизматлари марказлари биноларида joyлаштиришни назарда тўтсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазيري А. Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари С. Р. Холмуродов, Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори О. Б. Муродов ва Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазيري И. Ю. Абдурахмонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти	Ш. МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри, 2018 йил 5 май	

Ўзбекистон Республикаси Президенти	Ш. МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри, 2018 йил 7 май	

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ ҲУЗУРИДАГИ АГРОСАНОАТ МАЖМУИ ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ ТАЪМИНЛАНИШИ УСТИДАН НАЗОРАТ ҚИЛИШ ИНСПЕКЦИЯСИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

 (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

идоравий бўйсунувидан ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча корхоналар, муассасалар ҳамда ташкилотларда чорвачиликда наслчилик ишлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига ва бошқа норматив ҳужжатларга риоя этилиши;

қишлоқ ҳўжалиги, мелiorация ва йўл-қурилиш техникаларининг, уларнинг эксплуатация қилиниши, сифати самарадорлигининг, сервис ва таъмирлаш хизматларининг техник ҳолати устидан назоратни амалга ошириш;

б) экспорт-импорт ва республика ичидаги ташмишларда дон экинлари, пахта ҳам ашёси, қишлоқ ҳўжалиги экинлари уруғлари ва улардан қайта ишланган маҳсулотлар сифатини мажбурий давлат текширувидан ўтказиш;

в) ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва шарт-шароитларини бартараф этиш чораларини кўриш борасида комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

г) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш.

5. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Молия вазирлигининг:

Инспекция ҳузурида “Агросаноат мажмуида хизмат кўрсатиш маркази” давлат унитар корхонасини (кейинги ўринларда Марказ деб юритилади);

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекциясини ривожлантириш жағмармасини (кейинги ўринларда Жағмарга деб юритилади) ташкил этиш тўғрисидаги тақлифлари маъқуллансин.

Марказ томонидан Инспекциянинг назорат функцияларини амалга ошириш учун кўрсатиладиган хизматлар солиқ солинадиган базага киритилмайди.

6. Белгилансинки:

а) қўйилдиғилар Марказнинг асосий вазифалари ҳисобланади: норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ намуналар танлаб олиш ва маҳсулотни идентификациялаш;

кўрсатилган аккредитация соҳасига мувофиқ тарзда пахта толаси, пахта момиги, пахта ва қишлоқ ҳўжалиги экинлари уруғлари, шунингдек, дон ва улардан қайта ишланган маҳсулотлар синовларини ташкил этиш ҳамда ўтказиш;

(Давоми 3-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ ҲУЗУРИДАГИ АГРОСАНОАТ МАЖМУИ ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ ТАЪМИНЛАНИШИ УСТИДАН НАЗОРАТ ҚИЛИШ ИНСПЕКЦИЯСИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

◀(Давоми. Бошланиши 1, 2-бетларда).

мувофиқлик сертификати бериш, ўлчовлар бир хиллигини ва метрологик назоратни амалга оширишни таъминлаш ишларини бажариш;

пахта толаси ширадорлигини аниқлаш, пахта толаси ва момиги тойлари массаси назоратини амалга ошириш; пахта тозалаш ва ёғ-мой саноати корхоналари, пахта маҳсулотларининг харидорлари ҳамда бошқа ташкилотлар учун сертификатланадиган пахта маҳсулотлари ташқи кўринишининг стандарт намуналарини тайёрлаш, реставрация қилиш ва улар билан таъминлаш;

районлаштирилган ва истиқболли қишлоқ ҳўжалиги экинлари навларининг нав соғлигини тупроқдаги таҳлил орқали текшириш ҳамда натижаларини манфаатдор ташкилотларга юбориш;

б) Жамғарма маблағлари қуйидаги манбалардан шакллантирилади:

Марказ даромадларининг 20 фоизи; қишлоқ ҳўжалиги, озиқ-овқат хавфсизлиги ва сув истеъмоли соҳасидаги қонун ҳужжатлари талабларини бузганлик учун инспекция ваколатлари доирасида қўлланилган жарима санкциялари умумий суммасининг 40 фоизи;

Инспекция ходимлари томонидан солинадиган жарималар миқдорларининг 50 фоизи;

тракторлар, трактор тиркамалари, мелiorация ва йўл-қурилиш техникалари, ўзiorар машиналар, шунингдек, қишлоқ ҳўжалиги техникаларини техник кўриқдан ўтказиш, гувоҳномалар, рақам белгилари ва техник паспортлар бериш учун ундириладиган йиғимлар миқдорининг 80 фоизи;

Жамғарманинг вақтинча бўш маблағларини joyлаштиришдан олиннадиган даромадлар;

қонун ҳўжатларида таққиланмаган бошқа даромадлар.

7. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси марказий аппарати тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси ва вилоятлар бошқармаларининг, туманлар (Қувасой шаҳар) бўлимларининг намунавий тузилмалари 2 ва 3-илваларга мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси тўғрисидаги Низом 4-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекциясини ривожлантириш жамғармаси тўғрисидаги Низом 5-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси марказий аппарати, Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекциясининг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бошқармалари, туман (Қувасой шаҳар) бўлимлари ходимларининг Ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш разрядлари 6 — 8-илваларга мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши

Қонун лойиҳаларида тадбиркорлар манфаатлари акс этмоқда

◀(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Унга кўра, “Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида”, “Валютани тартибга солиш тўғрисида”, “Нотариат тўғрисида”, “Хориждан маблаг жалб қилиш тўғрисида”ги қонунларга тегишли тақлифлар асосида ўзгартиш киритиш ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ҳамда Бюджет кодексларига ўзгаришлар киритиш тақлиф қилина-япти. Масалан, “Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида”ги Қонунга Ҳисоб палатаси зиммасига биржа битими тўғрисидаги ахборотларнинг тақдим этилиши билан боғлиқ қондани киритиш масаласи илгари сурилмоқда.

Фракция аъзоларининг фикрича, тақлиф қилинаётган ўзгариш ҳамда қўшимчалар орқали Ҳисоб палатасининг фаолиятини тартибга солиш билан боғ-лиқ ҳўжатларда белгилан берилган унинг асосий вазифалари ва функция-лари бошқа қонун ҳужжатларида ҳам акс эттирилиши таъминланади.

“Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 27-моддасига ўзгариш киритиш тўғри-сида”ги қонун лойиҳаси қизгин муҳока-

маларга сабаб бўлди. Жумладан, Иқти-содий процессуал кодекснинг нормала-рини Фуқаролик кодекси ҳамда “Банк-ротлик тўрисида”ги Қонуннинг норма-ларига мувофиқлаштириш мақсадида унинг 27-моддасига иқтисодий судлар-нинг судловига якка тартибдаги тadbир-кор мақомини йўқотган жисмоний шахс-ларни ҳам, агар пул мажбуриятлари ва мажбурий тўловлар бўйича мажбурият-лар аввалги тadbиркорлик фаолиятиндан келиб чиққан бўлса, банкрот деб топиш тўғрисидаги ишлар тааллуқли эканли-гини киритиш тақлиф қилинмоқда.

Депутатлар мазкур масаланинг ўзгилдеп ўчун аҳамиятли жиҳатларига тўхталиб, партия мулкдорлар, тadbир-корлар, фермер ҳамда ишбилармонлар ҳўқуқлари ва манфаатларини ишончли муҳофаза этишни таъминловчи қонун-чилик меъёрлари ҳамда ҳўқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш тараф-дори эканини алоҳида таъкидладилар.

Йигилишда қон тартибига киритил-ган бошқа қонун лойиҳалари ҳам атрофлича муҳокама этилди, кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

З. АШУРОВА.

Аниқ вазифалар белгилаб олинди

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди.

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Комиссия Раиси М. Абдусаломов бошқарган мажлисда Президентимиз-нинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси-да белгиланган вазифаларнинг ижро-сини таъминлаш масалалари, хусусан, 2019 йилда давлат ҳокимиятининг ва-килик органларига бўлиб ўтадиган сайловларга тайёргарлик кўриш, маз-кур сиёсий жараён янада ошораклир руҳида ўтишини таъминлайдиган янги, илгор амалиётни жорий этиш бўйича Тadbирлар дастурини қабул қилиш ҳамда миллий ва хорижий таъжриба, халқаро норма ҳамда стандартлар асосида тайёрланаётган ягона Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодекси лойиҳаси муҳокама этилди.

Муҳокама ақунлари бўйича давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутат-лари сайловига қонун ҳўжатлари талабларига rioя қилган ҳолда, халқар-о сайлов стандартларига мувофиқ равишда, юқори демократик савияда тайёрғарлик кўриш ҳамда унн ўтказиш, шунингдек, фуқароларнинг давлат

ҳокимияти вакиллик органларига эркин сайлаш ва сайланиши билан боғлиқ конституциявий ҳўқуқларини рўёбга чиқариш, сиёсий партияларнинг давлат ҳокимияти органларини шакллантириш жараёнида фаол иштирок этиши учун зарур шарт-шарoитлар яратишга оид тadbирлар дастури тегишли қарор билан тасдиқланди.

Шунингдек, Тadbирлар дастурида Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодек-си лойиҳасини давлат органлари ҳамда жамоат ташкилотлари, маҳаллий ва халқаро экспертлар билан ҳамкорликда кенг муҳокама қилиб янада такомиллаш-тиришга алоҳида эътибор қартилган.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси ўринбосарини сайлаш масаласи ҳам кўриб чиқилди. Ушбу лавозимга Комиссия аъзоси Гўльноза Абдусаттарова Раҳимова сайланди.

Мажлисда Комиссия фаолиятига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Қ. ҲОЛОВ.

Секторлар ишидан аҳоли мамнунми?

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзоларидан иборат ишчи гуруҳ ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривож-лантириш, иқтисодиёт тармоқлари ҳамда ижтимоий соҳа аҳолини ўрганиш, тегишли дастурлар ижроси устидан таъсирчан назоратни амалга ошириш мақсадида пойтахтимизнинг Мировбод туманидаги секторлар фаолиятини таҳлил қилишда ана шу саволга жавоб излади.

ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ

Парламент аъзолари ўн кун давомида хонадонма-хонадон юриб, оилалар турмуш тарзи билан танишиб, уларнинг реал эҳтиёжларига қизиқди. Тумандаги қатор ик-тимоий соҳа объектлари, 39 та фуқаролар йиғини фаолияти ўрганилди. Депутатлар ва сенаторларга аҳолидан уй-ҳой, коммунал соҳа, транспорт хизмати ҳамда йўллар аҳоли, соғлиқни сақлаш, таълим, бандлик масалаларида 300 та мурожаат келиб тушди. Уларнинг қарийб учдан бир қисми жойида ҳал этилди.

Парламент назорати натижалари умум-лаштирилиб, халқ депутатлари Мировбод тумани Кенгаши сессиясида давлат идора-лари, муассасди ташкилотлар, маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари иштироки-да батафсил муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, ҳоким, прокурор, ички ишлар бошқармаси, солиқ хизмати бошлиқ-лари раҳбарлигида секторлар томонидан муайян ишлар амалга оширилган. Таҳлил-лар жорий йилнинг биринчи чорагида ту-мани ижтимоий-иқтисодий ривожланти-ришда, жумладан, саноат маҳсулотлари, ча-

тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш тармоқ марказларида янгидан тўлдирилган, шу жумладан, раҳбар кадрлари қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича қисқа мuddатли курслар ташкил этилишини таъминласин, шунингдек, кейинчалик қайта тайёрлаш ва малака ошириш амалиётини ҳар уч йилда жорий этсин;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари, Тошкент давлат аграр университети, Тошкент қимё-технология институти ҳамда Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш муҳандислари институти билан биргаликда бир ой мuddатда ўқитишнинг интерфаол ва инновацион усулларини қўллашни, синов лабораторияларида, қайта ишлаш корхоналарида (заводларда) ва бошқа объектларда ўқув машғулотлари ўтказишни назарда тутган ҳолда, кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича ўқув дастурларни тасдиқласин.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Тошкент давлат аграр университети, Тошкент қимё-технология институти ҳамда Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириши ташкил этиш учун аудиториялар ажратилиши ҳамда жиҳозланишини таъминласин.

12. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, ҳўқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи тузилмалар томонидан Инспекция ходимлари зиммасига уларнинг ваколатига кирмайдиган вазифаларнинг юкланиши тақиқланади.

13. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Молия вазирлиги:

бир ҳафта мuddатда Инспекциянинг штатлар жадвали ва харажатлар сметаларини тасдиқласин;

бир ой мuddатда зиммасига юклатилган вазифаларни лозим даражада бажарганлиги учун Инспекция ходимларини моддий рағбатлантириш тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

14. Белгилансинки, Инспекция талабномалари бўйича:

“Ўзавтосаноат” АЖ Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Молия вазирлиги томонидан тасдиқланадиган меъёрларга мувофиқ хизматда фойдаланиш учун автотранспорт воситалари ажратилишини таъминлайди;

“Ўзбекнефтгаз” АЖ “Ўздавнефтегазинспекция” ДТ билан келишилган ҳолда, хизмат ва махсус автотранспорт воситалари ҳамда генераторлар учун керакли ҳажмида автобензин ва дизель ёқилгиси ўрнатилган тартибда ажратилишини таъминлайди.

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой мuddатда тугатилаётган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат дон инспекцияси, Машина ва асбоб-ускуналарнинг техник ҳолатини назорат қилиш бош давлат инспекцияси, Қорвачиликда насличлик ишлари бош давлат инспекцияси, “Ўсувунзорат” республика сув инспекцияси, “Ўздавурунзоратмарказ” қишлоқ ҳўжалиги экинлари уруғини сертификациялаш ва сифатини назорат қилиш давлат маркази, “Ўстандарт” агентлигининг “Ўзбекистон пахта маҳсулотларини сертификатлаш “Сифат” маркази” давлат корхонаси баландида турган ва улар томонидан фойдаланилаётган бинолар, ишоотлар ва бошқа моддий-техник қимматликлар, шунингдек, уларнинг тегишли маълумот базалари ҳамда реестрлари Инспекция балансига ўтказилишини таъминласин.

16. Инспекция Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Обиназор кўчаси, 109-уйда joyлаштирилсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши,

этаяпти. Шунингдек, иккинчи сменадаги ўқувчиларнинг қатнаши учун ҳам ноқулай-ликлар туғдиримоқда. Бундан ташқари, мак-табларда бошқа жиддий муаммолар бор-лиги ҳам аён бўлди. Мисол учун, 10-синф-лар учун алгебра дарслигининг 2-қисми ўқув йилининг тугаши арафасида, яъни апрель ойининг ўрталаридагина етказиб берилган.

Сессияда болаларни мактабгача таълим муассасаларига қамраб олиш масаласи ҳам атрофлича кўриб чиқилди. Туманда ҳозир-ги кунда бoғча ёшидаги болаларнинг ярми-дан кўпроги давлат, 800 нафарга яқини эса хусусий мактабгача таълим муассасалари-га қамраб олинган. Биргина жорий йилнинг апрель ойида жами 140 ўринли иккита но-давлат мактабгача таълим муассасаси очил-ган. Ноябрь ойида эса жами 445 ўринли давлат ҳамда давлат — хусусий шерикчи-лик асосида нодавлат таълим муассасалари очилиши режалаштирилган. Туманда бо-чаларда ошхоналарни, овқат тайёрлаш жа-раёнининг бoғча бoсқичини кузатиб бoриш имконини берадиган ракурсда видеокуза-тув камераларини joyлаштириш бўйича топишқирлар ижроси ҳам oқсамoқда. Бар-ча давлат мактабгача таълим муассасаси-дан 8 тасида кузатув камералари ўрнатил-ган, ҳолос. Сессияда мазкур муаммо бир ой ичида ҳал қилиниши ваъда берилди.

Парламент аъзолари аҳоли бандлигини таъминлаш масаласига ҳам алоҳида урғу қаратишди. 2017 йилдан шу йилнинг ап-рель ойига қадар ўтказилган 18 та меҳнат ярмаркасида 188 та корхона, ташкилотлар жами икки мингдан ортиқ бўш иш ўринла-

яшаб, халқаро инвесторлар, йи-рик банклар ва бизнес доиралар-да Ўзбекистонга нисбатан шакл-ланаётган ижобий муносабатга яқол гувоҳ бўлиб турибмиз. Биз бундай ўзгаришларни қўллаб-қув-ватлашни istаймиз. Шу ўринда “Буюк келажак” ташаббусига қизикish тобора кўнайиб бoраёт-ганини айтишни istардим. Шу-нинг учун ҳам истиқболда “Буюк алоқа” онлайн-платформасини яратишни режалаштираялмиз. Янги технологиялар асосида чет элдаги минглаб ўзбек экспертла-рини фаолиятинизга жалб қила-миз. Дунёнинг istалган нуқтаси-да, айниқса, Ўзбекистон вазир-ли ва идораларида ушбу плат-формадан фойдаланиш имкония-ти мавжуд. Мақсадимиз ватан-дошларимизнинг улкан салoҳия-тини юртимиз равнақига йўнал-тиришдир”, дейди у.

Тadbир доирасида Токио, Истанбул, Москва, Брюссель, Лондон, Женева, Торонто, Копенгаген, Нью-Йорк, Сан-Франциско, Дубай сингари ша-ҳарларда истиқомат қиладиган

юртдошларимиз билан теле-кўприк орқали мулоқот қилинди.

— Ургутданман, — дейди АҚШ-нинг Калифорния штатида яшай-диган олим Шароф Тўғиぞв. — Самарқанд давлат ташмоқ ҳўжа-лиги институтини қаммолагаман. 1991 йилдан бери Сан-Францис-кода яшайман. Ҳозирги пайда Калифорния университетининг тиббийёт факультетида юқумли касалликлар кафедраси профес-сориман. Ўзбекистонда биотех-нологияларни ривожлантиришга доир лойиҳани ҳамда юртимиз-да илм-фан соҳасини ислоҳ қилиш бўйича таҳлилий моногра-фия тайёрладим.

Тақдиротда ташкилотнинг яқин истиқболдаги фаолияти, кўзда тутилаётган лойиҳалар ҳақида атрофлича маълумот бе-рилди.

Тadbирда Ўзбекистон Респуб-ликаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўрин-босари Б. Мавлонов иштирок этди ва нутқ сўзлади.

Қобил ХИДИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



«Олмалиқ кон-металлургия комбинати» АЖ жамоаси

ватандошларимизни
умумхалқ байрами –
Хотира ва Қадрлаш кун
билан самимий табриклайди!

Ватанимиз озодлиги, халқимиз тинчлигини
мардонавор ҳимоя қилган боболаримиз
ва мустақиллигимизни мустаҳкамлашда
жон фидо этган барча фидойиларнинг
муқаддас хотираси олдида
таъзимдамиз!

Элимиз фаровонлиги,
фарзандларимиз истиқболи
йўлидаги фаолиятингизда
муваффақиятлар тилаймиз.

9 МАЙ



«Трастбанк»
хусусий акциядорлик
банки жамоаси

**Хотира ва
Қадрлаш
куни**

муносабати билан
барча
юртдошларимизни
чин дилдан
муборакбод
этади!

Фашизмга қарши мардонавор жанг қилган
ва мустақиллик учун жон фидо этганлар
хотираси ҳамиша муқаддас.
Ватан ҳимоясида қурбон бўлган,
халқ орзу қилган эркинлик учун қурашган
миллий қаҳрамонларимизнинг руҳи
олдида яна бир бор таъзим айлаймиз.
Юртимиз тинч ва осмонимиз мусаффолиги абадий
бўлсин, азиз ватандошлар!

«Трастбанк» — ишонч билан юзма-юз!

Хизматлар лицензияланган.

9 май — Хотира ва Қадрлаш кун!

Бугун халқимиз урушда ҳалок бўлган минглаб юртдошларимиз
хотирасига чуқур эҳтиром, сафимизда юрган фахрийларимизга
чексиз ҳурматларини изҳор этади.

«Ипотека-банк» жамоаси

барча фахрийларимизга
саломатлик, осойишталик
ва узоқ умр тилайди.

Ҳаётингизнинг ҳар бир дақиқаси сизларга
қувонч, тинчлик ва бахтиёрлик
олиб келсин!

ИПОТЕКА-БАНК

Imkoniyat yaratamiz

Хизматлар лицензияланган.

UTC FARG'ONAGAZ

**«Ўзтрансгаз» АЖ
«Фарғонагаз» филиали**

куйдаги хизматлар бўйича тижорат
таклифлари қабул қилади:

Фарғона вилояти газ таъминоти ҳудудий
филиали участкаларининг маъмурий биноларига
кириш-чиқиш йўлакларини тўлиқ назоратга олиш
ҳамда ички ҳовли қисмларида жойлашган омбор
ва бошқа муҳим биноларига қўзғатув камералари
ўрнатиш юзасидан ўтказилаётган танловда
қатнашинг.

Юқоридаги хизмат тури билан шугулланувчи,
мулкчилик шаклидан қатъи назар, махсус лицензия
ва гувоҳномага эга бўлган ҳўжалик юритувчи
субъектлардан тижорат таклифлари эълон чоп
этилган санадан бошлаб 7 кунлик муддат ичида
қабул қилинади.

Мурожаат учун: Фарғона шаҳри,
Бурхониддин Марғиновий кўчаси, 76-уй.
Телефон: (+998 73) 229-04-36.
«Фарғонагаз» филиали маъмурияти.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
аппарати жамоаси масъул ходим Воситжон Анварович
Имомов отаси

Анваржон Худойназарович
ИМОМОВнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари таҳририяти
жамоаси «Народное слово» газетасининг Сурхондарё вилояти
бўйича муҳбири Нормурод Темиров отаси
Худойберди ТЕМИРОВнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

**«ХАЛҚ СЎЗИ»га
ЭЪЛОНЛАР**

9.00 дан 18.00 гача
**232-11-15,
232-10-63.**
КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
E-mail: reklama@xs.uz

**Халқ сўзи
Народное слово**

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан
рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 545. 112 896 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қўғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юқула олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг:

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

Таҳририятга келган кўлэмалар тақриз қилинмайди ва
муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунани
расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор
Ж. Тоғасев томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.
Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Набатчи муҳаррир — М. Жонионов.
Набатчи — Д. Каримов.
Мусахҳих — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.15 Топширилди — 01.00 1 2 3 4 5 6